

# ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

1995 ЙИЛ

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ • СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН 22 сентябр, № 38 (3325)


## Ҳамкорликнинг ойдин йўли

19 сентябр куни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев амалий ташриф билан Тошкентта келди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев ўртасида бўлиб ўтган суҳбат давомида икки республика орасида иқтисодий интеграцияни кучайтириш, Нукусда давом этаётган Орол денгизи ҳавзасидаги мамлакатларнинг барқарор ривожланиши масалаларига бағишланган халқаро конференция иши билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Мулоқотдан сўнг ҳар икки мамлакат раҳбарлари журналистлар билан учрашиб уларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

* * *

20 сентябр куни Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш масалаларига бағишланган халқаро конференциянинг якунловчи кунида иштирок этиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти Нукус шаҳрига ташриф буюрди. Халқаро конференция ишида Туркманистон Бош вазири ўринбосари М. Ражабов раҳбарлигидаги шу мамлакат делегацияси ҳам иштирок этди.

БМТ ҳомийлигида ташкил этилган ушбу конференцияда қарийб 35 миллион киши истиқомат қилаётган Орол ҳавзаси муаммоларини бартараф этиш масаласи атрофлича муҳокама қилинди.

Президентлар учрашуви ниҳоясида Нукус декларациясини имзоладилар.

* * *

Тошкентда Марказий Осиёда Хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда БМТ, ЕХҲК, Ислом конференцияси ташкилоти делегациялари, БМТ Хавфсизлик кенгашига аъзо мамлакатлар, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Марказий Осиё мамлакатлари вакиллари, шунингдек, минтақага туташ давлатлар делегациялари иштирок этдилар.

Семинар-кенгаш ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади.

## Университет тўйи

Марказий Осиёдаги энг йирик олий ўқув даргоҳларидан бири Тошкент Давлат университети 75 ёшга тўлди. Шу муносабат билан «Туркистон» саройида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Анжуманни республика олий ва ўрта махсус таълим вазир О. Салимов очди. Республика Президентининг дорилфунун жамоасига йўллаган табригини ҳамда университетга Шарқнинг буюк олими ва мутафаккири Мирзо Улуғбек номини бериш ҳақидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорини Бош вазири ўринбосари С. Саидқосимов ўқиб эшиттирди.

Юбилей арафасида Президент фармонига мувофиқ университетнинг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари орден ва медаллар, унвон ҳамда фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган эди. Республика Олий Мажлиси раиси Э. Халилов ана шу юксак мукофотларни топширди.

Йиғилишда Президентнинг давлат маслаҳатчилари А. Азизхўжаев ва Х. Жўраев қатнашди.

Тошкент Давлат университетига буюк аллома Мирзо Улуғбек номи берилиши барчанинг кўнгилидаги иш бўлди. Дорилфунуннинг қутлуғ тўйи тантана қилинаётган кунларда жамоага Президентимиз Ислом Каримовнинг совғаси — Мирзо Улуғбек портрети топширилди.

*Хайрулла ИСМАТУЛЛА*

## АМИР ТЕМУР ВА ХОРИЖИЙ ДУНЁ

### Испанияга юборилган биринчи элчимиз Муҳаммад Ҳожи

АМИР ТЕМУР 660

Испания элчилари Анкорадаги Амир қароргоҳидан ўз мамлакатларига қайтаётганларида Амир Темур уларга қўшиб ўз элчисини ҳам Кастилия ва Леон қироли Ҳенри III саройига юборган.

Испанияга юборилган биринчи элчимизнинг исми шарифи Оврупо манбаларида икки хил ёзилади: бир хил манбаларда «Муҳаммад ал-Қози», бошқа манбаларда «Муҳаммад ал-Ҳожи»(1). Испан тарихчиси Арготе де Молина асаридаги қадимги испан тилида битилган элчимизнинг исми шарифини ҳам икки хил— Муҳаммад ал-Қози ва Муҳаммад ал-Ҳожи, деб ўқиш мумкин.

Клавихо хотираларининг ҳар икки русча таржима нашрларида бу элчининг исми шарифи ҳеч бир илмий асоссиз «Магомет Алкаги» деб берилганки, бошқа Оврупо нашрларида бундай қўпол хато ҳеч учрамайди (2).

Ўрта асрларда бир қанча Шарқ мамлакатларида ўқимишли, қонун-қоидани билувчи қозилар элчилик ҳам қилганлари тарихдан маълум. Масалан, Миср султонининг маслаҳатчиси, Амир Темур қароргоҳига келиб, у билан суҳбатлашиш шарафига муяссар бўлган тарихчи олим Ибн Халдун Мисрнинг бош қозиси ҳам бўлганди.

Бизнинг назаримизда, Амир Темур бир неча тилни билувчи, дунё кўрган, ҳатто Маккани тавоф этиб, ҳожи бўлган одамни элчи этиб тайинлаган бўлиши мантиқан тўғри кўринади. Шуни назарда тутиб, инглиз олими Гай Ле Странж каби биз ҳам элчимиз исми шарифини Муҳаммад Ҳожи деб юритамиз.

Амир Темур элчиси Муҳаммад Ҳожининг Испанияда қирол Ҳенри III томонидан яхши кутиб олинганлиги ҳақида Клавихо хотираларида ҳам маълумот бор. Бироқ Арготе де Молина бу элчи тўғрисида кенгроқ маълумот берган.

Клавихо элчи Муҳаммад Ҳожи Амир Темурдан Ҳенри IIIга махсус хат, совғалар олиб борганлиги ҳақида хабар берса-да, бироқ бу хат мазмунини баён қилмайди.

Арготе де Молина Амир Темурнинг Ҳенри IIIга элчи Муҳаммад Ҳожи орқали юборган хатининг тўла испанча матнини эълон қилган. Бу хатнинг испан тилидаги тўла матни Клавихо хотираларининг 1782 йили Мадридда Антонио де Санча томонидан чиқарилган нашрига илова қилинган Арготе де Молинанинг «Қисқача кириш»ида келтирилади (3).

Афсуски, бу хатнинг асл нусхаси Испания архивларида бўлиб, ҳануз нашр этилмаган (4).

Элчи Муҳаммад Ҳожи ҳақида Клавихо ўз асарида қизиқ воқеани келтиради. Маълум бўлишича, Муҳаммад Ҳожи Испания қироли Ҳенри III қабулида бўлганида унга испан кийим-кечаклари ҳам тақдим этилган. Совға кийимларнинг тахини бузмасдан жомадонга солиб, олиб келиш ўрнига элчимиз Муҳаммад Ҳожи испан миллий кийимларини кийиб, ўша либосларда Испания элчилари билан бирга ватанга қайтади.

Қачон ва нима сабабдан Муҳаммад Ҳожи испан миллий кийимларини кийишни лозим топган, деган савол туғилиши табиий. Бу саволга жавобни Клавихо хотираларидан топамиз.

Самарқандга йўл олган элчилар Туркия қирғоқларига яқин жойлашган Финогия оролига томон кемада келаётганларида, тўфон бўлиб, кема ҳалокатта учрайди. Йўловчилар ва фақат Амир Темурга аталган совғалар сақланиб қолади. Бундан ташқари, бу ерда иккинчи бир кўнгилсизлик оёқ остидан чиқади: бу — Амир Темур қўшини билан бўлган жангда енгилган айрим турклар билан тўқнашув бўлган. Бирор нохушлик юз бермасин, деган мақсадда ўша орол яқинида Муҳаммад Ҳожига Оврупо кийимларини кийгизадилар ва Муҳаммад Ҳожини «Пера шаҳрининг фуқароси» деб таништирадилар. Бу шуни исботлайдики, Муҳаммад Ҳожи Оврупо тилларидан хабардор, кўринишидан ҳам оврупоиклардан қолишмайдиган бир инсон бўлган. Бу ҳақда Клавихо шундай маълумот берган:

«Темурбек элчи христианлар каби кийинтирилди ва бу одам Пера шаҳридан, деб таништирилди. Бунинг сабаби шу эдики, агар турклар (унинг кимлигини) билганларида, унинг жонига қасд қилган бўлардилар. Янги кемага ҳамма нарсалар юкланиб бўлингандан сўнг, элчилар бир нарсани тушундиларки, Тангри уларни (омон-эсон) сақлаш учун бир неча бор ўз карамини кўрсатди» (Арготе де Молина нашри, 19а варақ).

Мана шу воқеадан кейин Муҳаммад Ҳожи ватангача испан кийимида келган. Ҳатто Самарқандда Амир Темур элчиларни қабул қилаётганда ҳам Муҳаммад Ҳожи испан кийимида бўлган. Бу

Давоми иккинчи бетда




Клавихо Самарқандга келиб-кетишда фойдаланган харита

## ЯНА МИЛЛИЙ ТЕАТР КУНИ ҲАҚИДА

Акс садо

Газетанинг шу йил 18 август сонида театршунос Акмал Саидовнинг миллий театримизнинг туғилган кунини нишонлаш ҳақидаги яхши таклифи чиққан. Мен бу таклифни қўллаб-қувватлаш билан бирга мазкур масалалар юзасидан бир-икки оғиз фикр билдирмоқчиман.

Биринчидан, бу таклифни ўтган йилнинг охирларида адабиётшунос Шуҳрат Ризаев ўртага ташлаган эди. Лекин ҳеч кимдан муаллиф таклифи борасида садо чиқмади. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» бу масалани яна ўртага қўйиб, савоб иш қилган деб ўйлайман.

Иккинчидан, миллий театримизнинг пайдо бўлган кунига аниқлик киритиш лозим. Тўғри, «Падаркуш» биринчи марта 1914 йилнинг 15 январида қўйилган. Лекин бу эски сана бўйича. 1918 йилда Россия янги тақвим — Григориан тақвимига ўтган ва XX асрнинг 1918 йилигача бўлган кунларга 13 кун қўшиб ҳисоблаш тўғрисида қарор қилинган. Шундай бўлганда, миллий театримизнинг туғилган куни ҳозирги, амалдаги тақвим бўйича 1914 йил 28 январ ҳисобланиши керак. Миллий матбуотимиз туғилган кунини белгилашда ҳам шу йўлдан борилганини эслайлик. Илк ўзбек газетаси «Тараққий» эски ҳисоб билан 1906 йил 14 июндан, янги ҳисоб билан эса 27 июндан чиқа бошлаган. Мана, уч йилдан буён 27 июн Республикамизда матбуотчилар ва барча журналистлар байрами сифатида нишонланмоқда.

Хуллас, 28 январ — Ўзбек миллий театри куни сифатида нишонланса бўлади. Бу ҳақда республика Театр арбоблари уюшмаси томонидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқилади, деган умиддамиз.

**Рустам ТОЖИБОЕВ,**
**филология фанлари номзоди**

## ДИЛШОД ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Япониянинг Сэдней шаҳрида ўтказилган П. Чайковский номидаги Халқаро ўсмирлар танловида бир гуруҳ ўзбекистонлик ижрочилар ҳам иштирок этдилар. Бу танловда Успенский номидаги Республика ўрта махсус мусиқа мактаб интернатининг велиончель сози ижрочи Дилшод Назаров катта муваффақиятта эришди. У биринчи ва иккинчи босқич шартларини юқори даражада ижро этиб, 12 нафар велиончелчи ўсмирлар орасида ўз иқтидорини намойиш этди. Ва танловнинг махсус дипломи билан тақдирланди. Танлов ҳакамлар ҳайъати, моҳир ижрочини келгусида машҳур мусиқа марказларида таълим олиши кераклигини таъкидлади. Мусиқа мухлислари номидан ёш созандани бу катта муваффақият билан табриклаймиз.

**Г. МУСАЕВА**

## «ОРОЛ БАРЧАМИЗНИНГ ТАШВИШИМИЗ»

Бугунги кунда нафақат Ўрта Осиё халқларининг, балки жаҳон мамлакатларининг диққат марказида турган орол муаммоси барчани жиддий ўйлантирмоқда. Ҳамза номидаги санъатшунослик институтида шу мавзуга бағишланган халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Унда олмониялик, ўзбекистонлик мутахассислар, олимлар иштирок этдилар. Йиғилишни институт директори Тухтасин Ғофурбеков очди. «Орол барчамизнинг ташвишимиз» деб номланган ушбу халқаро симпозиумни ўтказишдан кўзланган ягона мақсад Марказий Осиё халқларининг ҳаётмамоти ҳисобланган Орол денгизини сақлаб қолишдан иборат. Шунингдек, Бенков номидаги Республика санъат билим юртида Орол мавзусига бағишланган халқаро кўргазма намойиш этилмоқда.

**Озода БЕКМУРОДОВА**

## ТАДҚИҚОТ * АХБОРОТ

## АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ МИРЗО ҒАРИБ ВАФОТИГА ЁЗГАН МАРСИЯСИ

Шоҳ Ғариб Мирзо вафотига бағишланган марсия Алишер Навоийнинг 20 жилдлик тўла асарлар тўпламида йўқ. Бироқ асар «Адабий мерос» илмий ахборотлар ва материаллар тўпламининг 1971 йилги 2- сонида профессор Ҳамид Сулаймон томонидан эълон этилган эди.

Олимнинг ахборот беришича, марсиянинг ягона нусхаси «Хазойин ул-маоний»нинг Тожикистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида 1990 рақами остида сақланаётган қўлёзмаси таркибида етиб келган. Марсия «Бадоеъ ул-васат» девонининг охиридаги майда лирик жанрлар орасига жойлаштирилган. Қўлёзма 904 (1499-1500) йили Ҳиротда кўчирилган.

XV — XVI аср тарихий манбаларида Шоҳ Ғариб Мирзо Султон Ҳусайн Бойқаронинг хотини Хадичабегимдан туғилган икки ўғилдан биринчиси экани хабар қилинади («Бобурнома»). «Мажолис ун-нафоис»да Навоий Шоҳ Ғариб Мирзо истеъдодли шоир эканлигини таъкидлайди: «Шоҳ Ғариб Мирзо — шўх табълиғ ва мутасарриф зеҳнлиғ ва нозук тахайюллуқ ва дақиқ таақкуллик йигитдур. Назм ва насрда назири маъдум ва мутахайийла ва ҳофизада адили номаълум. Ов ва қуш хотириға марғуб ва қурро ва ўқуш кўнглига маҳбуб. Бу матлаъ анингдурким:

***Қайси бир гулчеҳра ул гулбарги хандонимча бор,***
***Қайси бир шамшоди қад сарви хиромонимча бор?***

Бу матлаъи ҳам яхши воқеъ бўлубтуркним:

***Тарки меҳр айлаб агарчи бўлди жонон ўзгача,***
***То тирикман, қилмағумдур аҳду паймон ўзгача...»***

Навоий Шоҳ Ғарибдан яна бир туркий ва икки форсий матлаъ келтиради, «Девон ҳам жамъ қилибдур, яхши матлаълари бу мухтасарга сиғмас, магар яна бир китоб битилгай», — деб ёзади.

Унинг туғилган ва вафот этган йиллари номаълум. Ўзи жисмоний заиф ва хаста одам бўлганлигидан оила қурмаган, деган маълумотлар мавжуд. Бинобарин, Бобур: «Андин ўғил, қиз қолмади», — деб ёзади.

Навоий ўз марсиясида Шоҳ Ғариб Мирзо вафотини Султон Ҳусайн хонадони учун зўр мусибат бўлганлигини тасвирлайди...

### АЛИШЕР НАВОИЙ

**МАРСИЯ**
**(Мирзо Ғариб вафотига)**

*Даҳр боғида ажаб тафриқадур, эй афлок,*
*Халқ ичи лола киби қон, яқоси гул киби чок.*

*Кўзга олам қорадур, кийди магар олам ҳам*
*Мотамийлар тўнину айлади ўзни ғамнок.*

*Сарсари ҳодиса шадд эсти, доғи совурди*
*Айш гулзорини ҳар сари нечукким хошок.*

*Ул Масиҳоки улус жон топар эрди сўзидин,*
*Бордию халқни ўз фурқатидин қилди ҳалок.*

*Не ажаб, олам эли ашки агар дарёдур,*
*Кирди чун баҳри фано қаърида ул гавҳари пок.*

*Тушти, яъни адам иқлимиға ногоҳ Ғариб,*
*Шоҳлар мажмаъининг нодираси, шоҳ Ғариб.*

*Шоҳнинг ҳамдаму ҳамсуҳбату ҳам фарзанди,*
*Бағри паркандию лекин юраги пайванди.*

*Дема пайвандки, чун очти вафо пайвандин,*
*Ҳар тараф қон ёш ила оқти бағир парканди.*

*Шоҳ дилбасталиғин англаған ул маҳзунким,*
*Кетмиш ўлғай бир анингдек ёнидин фарзанди.*

*Бу ғалатдуркм, анингдек деганмен невчунким,*
*Йўқ эди олам эли ичра анинг монанди.*

*Барқдек даҳрға гар келдию бўлди нобуд,*
*Фурқати шуъласидин лек жаҳон ўртанди.*

*Барқ чун тушти анингдекки тўкар ашк саҳоб,*
*Ул чу борди йиғидин бўлди улус ҳоли хароб.*

*Маҳди улёға жаҳон бўлди қоронғу онсиз,*
*Кўнглида йўқ тарабу кўзида уйқу онсиз.*

*Юз тирноғ ила захм этканидин қонму борур,*
*Ё эрур қонға мубаддал кўзида су онсиз.*

*Кўзидин токи фироқ истади ул гавҳари пок,*
*Юзда ҳар дам оқизур лаъл ила инжу онсиз.*

*Йиғидур шевасию, кулгу унут бўлди магар,*
*Қилур эркин қатиқ аҳволиға кулгу онсиз.*

*Ҳам магар тенгри анга сабр каромат қилғай,*
*Негаким, саъб ўтадур ҳолати асру онсиз.*

*Беглару ичкилару чуҳралари зориқ асир,*
*Сойир навкарининг ҳолида ожиз тақрир.*

*Тахти холий қолибон, базм паришон аҳвол,*
*Шоҳсиз базм била тахтқа не бўлғай ҳол.*

*Чатр қабри бошиға соя солибу қабри,*
*Очибон оғзини, ул воқеадин қолиб лол.*

*Шеъру девони бу мотамда қора айлаб юз,*
*Уйлаким сўз боши шангарфи доғи қолмай ол.*

*Туғи сочин ёйибу кўсу нафир ун тортиб,*
*Субҳу шом аҳли азодек қилиб изҳори малол.*

*Шиша қон ёш оқизиб, даф била най нола қилиб,*
*Базмининг ҳасратидин чанг куюб уд мисол.*

*Барча ғамгин, баридин менга фузун ғамзадалиқ,*
*Рўзгоримни қилиб тийра бу мотамзадалиқ.*

*Шаҳр ила мулк аро ашрафу қуззоту уламо,*
*Барчаға воқиъ ўлубтур бу мусибатда азо.*

*Зумрайи фазлу зарофатқа бўлубтур дарде*
*Ким, киши топмамиш ул дардқа имкони даво.*

*Шуаро шаҳрда барча яқолар чок айлаб,*
*Тош уруб кўксига, ҳар ён чекибон вовайло.*

*Шаҳр эли ҳокими одил ғамидин навҳа чекиб,*
*Додхоҳ истаб ани, ҳар сари айлаб ғавғо.*

*Киши қолмайки, бу мотам аро маҳзун бўлмай,*
*Зоҳиду ринду хароботий агар шоҳу гадо.*

*Кавкаби саъдни гар қилди фалак афканда,*
*Бўлсун ою қуёш офоқ элига то банда.*





**Мустақил Ўзбекистонимизнинг миллий иқтисодини кўтариб турган соҳалардан бири — бу пахтачилик. Бугун жаҳон бозорида пахтанинг баҳоси баланд, Ўзбекистон қишлоқ меҳнаткашлари тайёрлаётган пахта толасининг харидоргирлиги тобора ошмоқда. Айни кунларда пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ишлари қизғин. Республиканинг барча вилоятларида ҳосил пешма-пеш йиғиштирилиб, саноат корхоналарига жўнатилмоқда.**

**Уйчи туманидаги Абдували Мўминов номидаги жамоа хўжалиги меҳнатчилари ҳам йиллик режани мамлакатда биринчилардан бўлиб адо этдилар. «Фарғона-3» навининг ҳар гектаридан 30 центнердан ошириб ҳосил олинди. Суратларда: хўжалик бошқаруви раиси Рустамжон Исматуллаев; пахта қабул қилиш пунктида.**

**Турғунбек МАҲКАМОВ суратга олган**

